



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 22 » декабрь 2021-у.

№ 01-01/9-5766

« _____ »-_____ 2021-ж.

Ўзбекистон Республикаси Халқ
таълими вазири Б.Саидовга

Хурматли Бахтиёр Одилевич!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги ривожланиш даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли Фармони ва “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4884-сонли қароридан белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2020 йили 30-декабрдаги тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 7-бандида “Ижодкор ўқитувчилар олимпиадаси”ни ташкил этиш вазифаси белгиланган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан 2019 йилдан бошлаб, ҳар йили тасдиқланган Низом асосида энг илғор педагог жамоалар орасида “Ижодкор ўқитувчилар олимпиадаси” анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда. Ушбу олимпиадада Фан методистлари ва фан ўқитувчиларининг жамоа бўлиб иштирок этиши орқали методик хизмат кўрсатишнинг янги усуллари жорий қилиш ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифати ва мазмунини ошириш бўйича тажриба алмашиш имконияти эга бўлишади.

Бу йилги “3-Ижодкор ўқитувчилар олимпиадаси”ни (жамоада 1 нафар фан методисти ва 4 нафар ўқитувчи) Беруний туманида ўтказиш режалаштирилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу олимпиадага Тошкент вилоятидан 1 та жамоа, Хоразм вилоятидан 4 та жамоа, Қорақалпоғистон Республикасидаги барча туман (шаҳар)дан 17 та жамоа, Президент таълим муассасалари агентлиги тасарруфидаги Нукус шаҳридаги Президент мактаби ва И.Юсупов номидаги мактаб-интернат жамоалари иштирок этиши кўзда тутилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизга, юқорида тасдиқланган “Йўл харита”нинг 7-бандига мувофиқ, “3-Ижодкор ўқитувчилар олимпиадаси” 2021 йилнинг 24-декабр куни Беруний туманидаги Ахборот ресурс марказида ўтказилишини маълум қилиб билдирамиз.

Хурмат билан,
Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазири

Р.Реимов

тайёрлаган А.Даулдетбаев
телефон 97 500-77-28

